шундан иборат эдики, мазкур олимлар Шарқ халқлари тарихи ва маданиятининг билимдони сифатида тан олинган. Иккинчи гуруҳ, яъни совет даврининг 1930 йиллар бошида В. В. Бартольд марксистик танқидга учрайди ва у тўғрисида танқидий илмий асарлар пайдо бўлиши билан характерланади⁸³. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб собиқ Иттифокда В. В. Бартольд асарларини ўрганиш бўйича тарихчилар гуруҳи шаклланган бўлиб, унга А. Ю. Якубовский⁸⁴, И. И. Умняков⁸⁵, А. А. Семёнов⁸⁶, Б. В. Лунин⁸⁷, Н. Н. Туманович⁸⁸ ва бошқаларни⁸⁹ киритиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги олимнинг фаолиятига ижобий баҳо берганлар.

Айни пайтда, бу даврда А. З. Валидий Тўғон меросига, мафкуравий талаблардан келиб чиқиб, фақат танқидий мунособатда бўлганлар. Ғоявий таъйиқлар асосида тарих фанида юз берган кескин ўзгаришлар кўпгина совет тарихчилари томонидан жамоат арбоби бўлган ушбу олим илмий ижодининг салбий нуқтаи назардан қабул қилинишига сабаб бўлди. Натижада А. З. Валидий Тўғоннинг илмий фаолияти узок йиллар давомида тадқиқ қилинмади. Тарихчи ва шарқшунослар олимнинг илмий кашфиёт ва асарларидан фойдаланган бўлсалар-да, унинг номи жуда кам ҳолларда тилга

⁸³ Бустанов А. К. Ножницы для среднеазиатской историографии: «Восточные проекты» Ленинградского востоковедения // Казахский проект: завершение программы // Ориентализм vs. ориенталистика: Сб. статей / Отв. ред., сост. Бобровников В. О., Мири С. Дж. – М.: ООО Сафра, 2016. – С. 165; Bregel Yu. Barthold and Modern Oriental Studies // International Journal of Middle East Studies. Vol. 12. № 3 (Nov. 1980). P.391 – 399. <https://www.cambridge.org/core/journals/international-journal-of-middle-east-studies/article/barthold-and-modern-oriental-studies/99334EE797C0DB7E329DFE8CE4F03D6F>.

⁸⁴ Якубовский А. Ю. Проблема социальной истории народов Востока в трудах академика В. В. Бартольда. // Вестник Ленинградского университета. – Л., 1947. – № 12. – С. 62–79 и др.

⁸⁵ Умняков И. И. Значение трудов В. В. Бартольда по истории Средней Азии // Первая всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы, доклады и сообщения. – Ташкент, 1957. – С. 27–33; Шу муаллиф. Аннотированная библиография трудов академика В. В. Бартольда. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – С. 7 – 229 (Кейинги ўринларда – Умняков И. И. Аннотированная библиография).

⁸⁶ Гийасаддин Али. Дневник похода Темура в Индию / Пер. с перс., предисл. и прим. Семенова А.А. – М., 1958.

⁸⁷ Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Наука, 1965. – С. 408; Шу муаллиф. Историография общественных наук в Узбекистане, Библиографические очерки. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 99 – 109; Шу муаллиф. По следам послеоктябрьских поездок В. В. Бартольда в Среднюю Азию (организация востоковедческих исследований, состояние и деятельность библиотек и музеев в 20–е годы и наши дни) // Бартольдовские чтения, 1978 год – четвертый. Тезисы докладов и сообщений. – М., 1978. – С. 38; Шу муаллиф. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения: Исторический очерк. – Ташкент: Фан, 1979; Шу муаллиф. Жизнь и деятельность академика В. В. Бартольда. Средняя Азия в отечественном востоковедении. – Ташкент: Фан, 1981. – 223 с. (Кейинги ўринларда – Лунин Б. В. Жизнь и деятельность).

⁸⁸ Туманович Н. Н. Описание архива академика В. В. Бартольда. – М, 1976. – С. 231 – 364.

⁸⁹ Каранг.: Крачковский И. Памяти В. В. Бартольда // Красная газета. – Л., № 197 (2555). 21. VIII. 1930 (вечерний выпуск); Марр Н. Я. Василий Владимирович Бартольд. По поводу 30-летия профессорской деятельности. // Бюлл. САГУ. – Ташкент, 1926. – № 14. – С. 175–206; Петрушевский И. Академик В. В. Бартольд (биографическая справка) // Сочинения.–М., 1963. Т. I. – С. 14–15; Акрамов Н. М. О некоторых материалах биографии В. В. Бартольда // Известия Академии Тадж. ССР. Вып. 1(28). – Душанбе, 1962. – С. 3–13; Шу муаллиф. Выдающийся русский востоковед В. В. Бартольд. – Душанбе, 1963. – 112 с.; Шу муаллиф. Из неопубликованных писем А. А. Семенова В. В. Бартольду // Ученые записки кафедры истории СССР Душанбинского педагогического института. – Душанбе, 1970. – С.71–92; Шу муаллиф. Русские исследователи и их вклад в изучение истории, археологии и этнографии народов Памира и Припамирья: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Душанбе. –М., 1975. – 35 с.; Шу муаллиф. Академик В. В. Бартольд. – Душанбе: Ирфон, 1976. – 56 с.; Шу муаллиф. В. В. Бартольд. Энциклопедия советии точик. – Душанбе, 1986. Ч. I. – С. 382; Флыгин Ю. С. Знаток Востока. Жизненный путь и научная деятельность академика Василия Владимировича Бартольда. – Ташкент: Tugon zamin ziyo, 2016. – 80 с.

олинган.

Хорижий мамлакатларда эса, аксинча, А. З. Валидий Тўғоннинг илмий фаолияти жаҳон миқёсида тан олинган. А. З. Валидий Тўғон илмий меросини ўрганишга айниқса турк олимлари катта ҳисса қўшганлар. Машҳур турк тарихчи олими, Истамбул университети профессори Ф. Купрюлюзаде (1890-1966) бу ҳақда тўхталиб: «туркшуносликда Закий Валидий етакчи мутахассис. У кўплаб қимматли бирламчи манбаларни кашф этган... Бу кашфиётлар тарих ва лингвистикага алоқаси бор мутахассислар томонидан катта эътибор билан қабул қилинган», – деган фикрларни қайд этган эди⁹⁰. Турк тадқиқотчилари А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар⁹¹. Улар орасида 1989 йилда чоп этилган «Закий Валидий Тўғон»⁹² номли китоб муаллифи, Измир шаҳридаги Эгей университети профессори Тунджер Бойқора алоҳида ажралиб туради.

Мустақиллик даврига келиб Ўзбекистон ва собиқ Иттифок ҳудудида В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросини холис ўрганиш ва баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Бу пайтга келиб, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид кўплаб тадқиқотлар чоп этилиши билан бирга, масаланинг тарихшунослик таҳлилига ҳам алоҳида эътибор берилди. Улар жумласига Б. В. Луининг Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни ҳамда Темур ва Улуғбек даври тарихига бағишланган асарларини⁹³, Ш. Ўлжаева⁹⁴ ҳамда Б. Усмоновнинг⁹⁵ диссертациялари ва бошқа тадқиқотларни киритиш мумкин⁹⁶.

Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган хорижий

⁹⁰ Кепрюлюзаде Ф. Новые исследования в сфере тюркологии. – Хаят. Анкара. – 1926. – № 1. – С. 29–34 (Турк тилида).

⁹¹ E'sin E. Merhum Prof. Zeki Velidi Togan in Hatıralar adlı eseri (Воспоминания покойного профессора Заки Валиди Тогана) // *Islam Tezkipleri Ens'titutisi Dergisi*'i – 1987. Cild IV. 3–4 kısım. –S. 7–17; Kafes oğlu. Turk Milli Kültürü. Düzeltilmiş ve genişletilmiş S. Baskı (Туркская культура) – Istanbul, 1988. –446 s.; Inan A. Makaleler ve İncilemeler. II Cild (Статьи и исследования). – Ankara, 1991. –418 s.; Kafalı. Togan (Ученый и мыслитель Ахмет Заки Валиди Тоган) // *İnmeven Bayrak. A. Zeki Velidi Togan. Oltimunun Virmidorduncii yılında Ahmet Prof. Zeki Velidi Togan'ı anma münasebetiyle.* – Istanbul, 1994. –S.51–66; Salinov A. Ahmet Zeki Velidi Togan Bibliografyası (Библиография Ахмет Заки Валиди Тогана) // *Turk Dnyası Aras'tirmaları.* – Istanbul, 1994. – S. 209–230 ва бошқалар.

⁹² Baykara T. Zeki Velidi Togan (1890–1970). Bibliografyası (Библиография Ахмет Заки Валиди Тогана (1890–1970) // *Fen Edebiyat Fakultesi Arastırma Dergisi. Erzurum*, 1989. Fasikül 1. Sayı 13; Ord Prof. Dr. Ahmet Zeki Velidi Togan Özel Sayısı. – S. 11–31; A. Zeki Velidi Togan'ın hayati ve Eserleri (Жизнь и труды А. Заки Валиди Тогана) // *Fen Edebiyat Fakultesi Arastırma Dergisi. Erzurum*, 1989. Fasikül 1. Sayı 13; Ord Prof. Dr. Ahmet Zeki Velidi Togan Özel Sayısı. – S. 1–10; Zeki Velidi Togan (Заки Валиди Тоган). – Ankara, 1989. – 230 s.; Tarih Arastırma ve Yazma Metodu. Genişletilmiş ikinci Basrı (Методы исторического исследования). – Izmir, 1996. – 192 s.; Байкара Т. Заки Валиди Тоган / Составление, перевод на русский, дополнения, указатель Булгакова Р.М., Юлдашбаева. А.М. – Уфа: Китап, 1998. –328 с. ва бошқалар.

⁹³ Лунин Б. В. Историография эпохи Амира Темура // *Амир Темур в мировой истории.* – Ташкент: Шарқ 1996; Лунин Б. В. Амир Темур ва унинг даврига оид манбалар // *Темур ва Улуғбек даври тарихи.* – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – Б. 230–253.

⁹⁴ Ўлжаева Ш. «XX аср 50-60 йилларидаги Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослиги (совет даври адабиёти мисолида)». Тарих фан. док. ... дисс.си. Тошкент, 1999 йил.

⁹⁵ Усмонов Б. «Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVII–XX асрлар)». Тарих фан. док. ...дисс.си. Тошкент, 2004 йил.

⁹⁶ Лунин Б. В. Темур ва унинг даври ҳақида илмий адабиёт / Темур ва Улуғбек даври тарихи / Бош муҳаррир А. Аскарлов. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996; Амир Темур в мировой истории. Париж – Ташкент: Шарқ, 1996 (на узбекском, русском и французском языках); Второе издание, 2001. –289 с.; Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур (жизнь и общественно-политическая деятельность). – Ташкент: «Университет», 1999.

тарихшунослик намуналари мавзулар кўламининг кенглиги ва турли-туманлиги билан ажралиб туради⁹⁷. 1988 йилда Францияда “Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш” уюшмаси ташкил қилинган эди. Уюшма томонидан дунёдаги ягона “La Temurids” (Темурийлар) номли журнал чоп этилмоқда. Шу вақтгача Амир Темурга бағишланган 900дан ортиқ европа тилларидаги асарлар яратилган, шарқ тилларидаги асарларнинг сони эса 1000 тага етади⁹⁸.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Амир Темур ва Темурийлар даври бугунги кун талаб даражасида тўлиқ ёритилмаган. Бу мавзу бўйича янги тадқиқотларга талаб ўз ўрнида истиқболли ва чуқурроқ илмий изланишларни тавсия қилиш ва гипотезаларни олдинга суришга ундамоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Марказий Осиё халқлари тарихи, тарихшунослиги ва тарихий манбашунослиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Амир Темур ва Темурийларнинг Марказий Осиё тарихи тараққиётидаги ўрнини кўрсатишда В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон асарларининг аҳамияти, уларнинг роли ва хизматини аниқлаш ҳамда бу олимларнинг миллий тарихшуносликка кўрсатган таъсирини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни ҳамда бунда ижтимоий муҳитнинг ўрнини аниқлаш;

Амир Темур ва Темурийлар даврига оид энг муҳим воқеликлар ва тарихий жараёнларни В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон асарлари орқали кўрсатиш;

Амир Темур ва Темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт талқинининг олимларнинг асарларидаги фарқли жиҳатларини ёритиш;

В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросининг Амир Темур ва Темурийлар давридаги ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишдаги аҳамияти ва унинг моҳиятини очиқ бериш;

Олимлар тарихий қарашларининг ўзбек тарихшунослигига таъсири даражасини таҳлил қилиш;

В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон тарихий қарашларининг миллий тарихшунослик тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи тўғрисидаги тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари бўйича тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг илмий мероси танланган.

⁹⁷ Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. – Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 1999.

⁹⁸ Саидов А. Х. Европа шарқшунослиги ҳамда Амир Темур ва Темурийлар тарихи / Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Халқаро илмий конференция тезислари, 13–14 сентябрь 2017 й. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.16.

Тадқиқотнинг предметини Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти, давлатчилиги тарихига оид В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг илмий асар ва мақолаларидаги ёндошув ва диалектик ўзгаришлар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида умумилмий ҳамда тарихшуносликнинг қуйидаги махсус усуллари: муаммоли хронологик, даврлаштириш усули, ретроспектив усул, долзарблаштириш усули, тавсифий усул, аниқ таҳлил (тарихшуносликда тарихий воқеаларни уларнинг пайдо бўлиш ва ўзаро таъсирини ўрганишнинг назарда тутилиши), мантикий таҳлил каби усуллардан ҳолислик тамойилига асосланган ҳолда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросининг хронологик, қиёсий ва танқидий таҳлили асосида тарихий воқеалар талқинининг бир-биридан ўзаро фарқ қилувчи хусусиятлари очиб берилган;

ҳар иккала олим деярли бир даврда фаолият олиб борганликларига қарамай, уларнинг дунёқараши ва илмий ёндашувларига таъсир этган омиллар (олимларнинг турлича сиёсий тизим таъсири ва ижтимоий шароитда яшаганликлари, тарихни жамият тараққиёти қуроли сифатида қабул қилганликлари ва б.) натижада уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихий тадқиқот усуллари ишлаб чиққанлиги асослаб берилган;

В. В. Бартольднинг асосий мақсади Россия империяси илмий тафаккурининг Ғарб илми олдидаги обрўсини оширишдан иборат эканлиги, олим ўз асарларида Амир Темур ва Темурийлар даврининг салбий томонларига алоҳида эътибор қаратганлиги, айрим ҳолларда ўз фикрларига ҳам қарама-қарши чиққанлиги кўрсатиб берилган;

А. З. Валидий Тўғон Россия империясидаги “кичик” халқларни уларнинг тарихий қадриятлари асосида маърифатли қилишга эътибор қаратганлиги, Амир Темур ва Темурийлар фаолиятини баҳолашда тарих фанининг умумэътироф этилган қонуниятларига таяниб иш тутганлиги очиб берилган;

мустақиллик йиллари Ўзбекистонда Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганиш борасида А. З. Валидий Тўғон асарларидан кўра, В. В. Бартольд асарларига кўпроқ мурожаат қилинганлиги мазкур давр тарихини тўлиқ ёритишга тўсқинлик бўлганлиги, ваҳоланки, А. З. Валидий Тўғоннинг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид асарларидан фойдаланиш фанга янги тарихий маълумотларни олиб келишга хизмат қилиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Муаммонинг айрим илмий-услугий жиҳатлари ҳамда ўқув жараёнида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишнинг самарадорлигини оширадиган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу давр тарихи ҳамда икки йирик олим илмий меросини ўрганишнинг истиқболли йўналишлари бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди;

В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросини ўрганиш асосида тарихий билимларни бойитишга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб

чиқилди. Булар мавжуд билим ва илмий адабиётлар доирасини анчагина кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, олинган маълумот ва илмий хулосалар Ўзбекистон ва яқин қўшни мамлакатлар тарихи бўйича олий ва ўрта махсус таълимидаги давлат режаларини бажариш мақсадида янги ўқув қўлланма ва дарсликларнинг айрим қисмларини қайта ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усуллар асосида турли бирламчи манбалар, жумладан архив материалларининг жалб қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, улар масъул ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда мавжуд хулоса ва таклифларнинг илмий аҳамияти Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва Ўзбекистонда давлатчилик тарихига оид тадқиқотлар методологияси, В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг илмий мероси ва уларнинг кейинги илмий тафаккур тараққиётига кўрсатган таъсири тўғрисидаги маълумот ва тасаввурларни кенгайтириб, бойитганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросини тарихий билимларимизни бойитувчи фактор сифатида ўрганишда, мавжуд билимлар, илмий адабиёт, Олий ўқув юрти ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув қўлланма, дарсликларнинг айрим қисмларини янгилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид илмий меросини ўрганиш жараёнида қўлга киритилган маълумотлар, назарий хулоса ва амалий таклифлардан:

В. В. Бартольд асарларидаги Амир Темур ва Темурийлар даври тарихий жараёнлари талқинига оид маълумотлар ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Dunyo bo`ylab» каналида намойиш этилган «Улуғбек хазинасидан» хужжатли фильмини яратишда фойдаланилди. Фильмда Мирзо Улуғбек даври тарихини ёритишга бағишланган илмий асарлар талқини, жумладан В. В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг даври» асари тўғрисидаги тарихшунослик нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга бўлган назарий ва амалий таклифлар ўз аксини топган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, "Дунё бўйлаб" телеканали Давлат унитар корхонасининг 2018 йил 26 октябрдаги № 08-14-51-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар Темурийлар даври тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни илм-фан ва тарихий шахсларга хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади;

Амир Темур шахси ва Темурийлар даври тарихи бўйича В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросида акс этган маълумотлардан «Соҳибқирон Амир Темур қомуси» ва «Амир Темур библиографияси»да фойдаланилган (Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг 2019 йил 2 августдаги 24-22-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар Амир Темур ва Темурийларнинг фаолиятини хорижлик, жумладан, рус ва турк олимлари

томонидан ўрганилиши масалаларига ойдинлик киритишга хизмат қилган;

Амир Темур ва Темурийлар давридаги тарихий жараёнларнинг В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг асарларидаги талқини, мазкур олимлар илмий меросининг XX аср тарихшунослигига оид илмий натижалар ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128-сонли буйруғига асосан нашрга тайёрланган “Марказий Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги” номли ўқув қўлланмага маълумотлар йиғиш ва саралашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 сентябрдаги 89-03-3275-сон маълумотномаси). Хусусан, улар ўқув қўлланманинг “Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослиги” номли бобдаги “Амир Темур даври тарихшунослиги”, “Амир Темур давлати тарихининг тарихий адабиётларда ёритилиши”, “Темурийлар даври тарихшунослиги” номли параграфларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 19 та конференция, шу жумладан 7 та халқаро конференция ҳамда 12 та республика илмий-амалий конференцияларда апробация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 илмий ишлар, шулар ичида 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилди.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Тадқиқот қисми 146 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технология устувор йўналишларига мос келиши, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилигини асослаш билан бирга, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилганлиги ҳақидаги маълумотлар, диссертация тузилиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг I боби “**В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий дунёқарашининг шаклланиши ва унга таъсир этган омиллар**” деб аталади. Бу бобда В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг Марказий Осиё тарихи ва маданиятига қизиқиши асослари таҳлил қилиниб, олимлар илмий дунёқарашининг шаклланиш жараёни ўрганилган, шунингдек, ижтимоий вазиятнинг бунга кўрсатган таъсири аниқланган⁹⁹.

⁹⁹ Диссертацияда В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон, уларнинг дунёқарашига таъсир қилган олимлар ҳаёти тўғрисида қискача маълумотлар келтирилган.

В. В. Бартольд дунёқарашининг шаклланишига Россия империяси худудида XX асрнинг биринчи чорагида, айнан 1905-1917 йилларда рўй берган муҳим сиёсий воқеалар, сиёсий тузумнинг алмашинуви, тарихий воқеликларни ўрганишда синфий ёндашувнинг шаклланганлиги катта таъсир кўрсатган эди.

В. В. Бартольднинг хотираларида унинг тарих илмига бўлган қизиқиши оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланганлиги ҳақида: “Отам кенг қамровли маълумотга эга бўлмаса ҳам, фаннинг аҳамиятини тан олар эди. У болалигимда менинг тарих фанига интилишларимни пайқаши билан, уларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ва менга илм соҳаси моддий фойда келтирмаса ҳам, моддий манфаатларнинг ўрнини босувчи маънавий қониқишни бахшида этади деб ўргатган”¹⁰⁰, – деган фикр келтирилган. Бундан унинг оиласи молиявий жиҳатдан ўзига тўқ бўлган, отаси В. В. Бартольдга ўзини қизиқтирган илм билан шуғулланишга тўсқинлик қилмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

В. В. Бартольдни кўпроқ Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг тарихий тараққиёти масалалари қизиқтирар эди. Унинг илмий раҳбари Н. И. Веселовский шогирдига илмий қизиқишлари йўналишини танлашда тўлиқ эркинлик берган. В. В. Бартольднинг илмий дунёқараши шаклланишига барон В. Р. Розен катта таъсир ўтказганлигини олимнинг сўзлари ҳам тасдиқлайди¹⁰¹.

Олим қўллаб хорижий мамлакатларга илмий сафарларга борган¹⁰². Бу хизмат сафарлари унинг дунёқарашини кейгайтириб, ғарбий Европа олимларининг ютуқлари, айниқса методология соҳасидаги тажрибалари билан танишиш имконини берган эди. В. В. Бартольд Ғарбий Европа илм-фан арбобларининг чуқур илмий билимларини кадрлаган ҳолда, ҳар доим ҳам Ғарбда кенг тарқалган умумий тарихий тушунчаларга қўшилмаган. Хусусан, В. Р. Розенга йўллаган мактубида у “немис профессорларидан ўрганиш мумкин ва ўрганиш керак, аммо уларга тақлид қилинмаслиги лозим”¹⁰³, деб таъкидлаган эди.

В. В. Бартольднинг шарқшунослик соҳасидаги чуқур изланишлари Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишдан бошланган. Унинг ўзи бу ҳақда: “бошқа Европа мамлакатларга қараганда, тарихан ва географик жиҳатдан Россияга яқинроқ бўлган шарқий минтақалар россиялик тарихчи-

¹⁰⁰ В. Бартольд талабалик йилларида араб ва форс тилларидан рус тилига, шунингдек рус тилидан турк тилига таржима қилишга жуда қизиққан. Ёш олимнинг юнон, лотин, француз, форс, араб, туркий ва бошқа тилларда чоп этилган китобларни ўқиб чиққанлиги унинг билим доираси кенг эканлигидан далолат беради. В. Бартольд Сюань Цзяньнг, Пано Карпини, Марко Полонинг саёхатларини, Сосонийлар, мўғуллар, Илхонийлар тарихини, шарқдаги динлар, жумладан, исломнинг ривожланиши, тарқалиши ва тарихий хронологиясини ўрганиб, Шарқ ва Европа ҳукмдорлари шажараларига оид рефератлар тузган. У ўғуз қахрамонлик эпосининг "Китоби Кўркут" номли машҳур асарини ўрганиб, рус тилига таржима қила бошлаган. Бироқ, олим 1922 йилга келибгина бу асарнинг тўлиқ таржимасини нашр қилдирган эди. Қаранг: <http://www.vostlit.info/Texts/rus9/Korkut/pred1.phtml>. (09.07.2018.); Лунин Б. В. Жизнь и деятельность... – С. 10.

¹⁰¹ Академик В. В. Бартольд (биографическая справка) // Бартольд В. В. Сочинения. – М., 1963. – Т.1.–С. 15.

¹⁰² Олим 1905 й.да – Германия, Австрия, Тироль, Швейцария; 1906 й.да – Австрия, Сербия, Болгария, Туркия, Миср; 1908-1909 йй.да. – Италия, Наполи, Будапештга; 1909 й.да – Финляндияга; 1911 й.да – Ирландия, Шимолий Америка, Германия, Франция; 1912 й.да – Вена, Тюбинген, Гамбург, Любек; 1913 й.да – Швеция ва Норвегия; 1914 й.да Швеция, Дания, Англия, Гибралтар, Тулон, Италия, Греция, Болгария, Руминияга сафарлар уюштирган.

¹⁰³ Лунин Б. В. Жизнь и деятельность... – С. 25.

шарқшуноснинг қизиқишини уйғотиши табиийдир, чунки рус олимларида ушбу минтақа борасида Ғарбий Европалик олимлар эга бўлмаган кўп материаллар мавжуд”¹⁰⁴, – деган фикрларни қайд этган. В. В. Бартольднинг бу сўзлари унинг рус шарқшунослигини янги ёзма манбалар маълумотлари асосида ривожлантиришга катта аҳамият берганлигидан далолат беради. В. В. Бартольднинг Марказий Осиёга уюштирилган илмий экспедицияларда қатнашиши (Фанлар Академиясининг 1893-1894 йилларда, Рус кўмитасининг 1902-1904 йилларда уюштирган экспедициялари, 1916 йилда Самарқандда олиб борилган қазилмалар) олимнинг Амир Темури ва Темурийлар даври тарихига бўлган қизиқишини янада кучайтирди.

Россиядаги 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг В. В. Бартольд илмий фаолиятини давом эттирди¹⁰⁵. У аввалига Россия империясидаги истилочилик қарашлари таъсирида бўлса-да, кейинчалик марксча-ленинча мафкурага ён босганлигини кўриш мумкин. Лекин олим Амир Темури ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб, бу соҳада ўз тадқиқотларини олиб борган¹⁰⁶.

А. З. Валидий Тўғоннинг¹⁰⁷ илмий дунёқарашини шаклланишига йирик шарқшунослар – Н. И. Ашмарин и Н. Ф. Катанов катта таъсир ўтказганлар. 1913-1914 йилларда А. З. Валидий Тўғон Фарғона вилояти ва Бухорога уюштирилган археографик экспедицияларда иштирок этган. Бу экспедициялар натижаси жуда самарали бўлиб, қўлга киритилган Марказий Осиё тарихига оид кўплаб қадимги ёзма манбалардаги маълумотлар илмий нашрларда ўз аксини топди. Улар орасидаги Амир Темури ва Темурийлар даври тарихига оид қимматли қўлёзмалар олимнинг кейинги илмий изланишлари учун асос бўлиб хизмат қилди¹⁰⁸.

1927 йилдан А. З. Валидий Тўғон, расмий олий маълумоти бўлмаса ҳам, Истамбул университети профессори сифатида фаолиятини бошлади. У 1935 йилга келибгина фан доктори илмий даражасини олган ва 1939 йилнинг сентябрида Истамбул университетининг турк адабиёти тарихи факультети профессори бўлиб тайинланган эди.

В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий дунёқарашини шаклланишининг ўзига хос хусусияти шуки, улар турли ижтимоий-сиёсий

¹⁰⁴ Лунин Б. В. Жизнь и деятельность... – С. 24.

¹⁰⁵ Совет ҳукумати унинг юксак илмий салоҳияти, улкан тажрибаси ва билимидан ишчи-деҳқон синфи вакиллари орасидан малакали илмий ходимларни тайёрлашда фойдаланган. Большевикларнинг асосий идеологи В. И. Ленин "улар ("буржуа" рус олимлари)нинг билимлари, тажрибаси бизга керак, уларсиз эски ижтимоий муносабатлар томонидан яратилган ва социализмнинг моддий асоси бўлиб қолган маданиятни қабул қилиш мумкин эмас"лигини таъкидлаган эди. Лунин Б. В. Жизнь и деятельность ... – С.130.

¹⁰⁶ «История изучения Востока в Европе и России», «Обзор деятельности факультета восточных языков», «История культурной жизни Туркестана». Қаранг: Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. Ч. 1. – С. 169–432; Т. IX. – С. 23–198, 199–484, ; Сочинения. Т. II. Ч. 1. – С. 169–432.

¹⁰⁷ Олимнинг асарлари ҳақида қаранг: Материалы к библиографии Ахмет-Заки Валидий Тогана / Составитель Булгаков Р. М. – Уфа, 1996; Байкара Тунджер. Заки Валидий Тоган / Составление, перевод на русский язык, дополнения, указатель Булгакова Р. М., Юлдашбаева А. М. – Уфа: «Китеп», 1998 (далес – Байкара Тунджер. Заки Валидий Тоган); Абдурахманов М. Научная деятельность А. З. Валидова в Туркестане.– Ташкент: Фан, 2004 (далес – Абдурахманов М. Научная деятельность...) и др.

¹⁰⁸ Собрание Института восточных рукописей Российской Академии наук / Научный редактор Ртвеладзе Э. В. – Ташкент: «Uzbekistan Today» АА, «Zamon press info», 2017. — С. 55.

шароитларда шаклландилар. В. В. Бартольднинг илмий фаолиятидаги асосий қизиқишлар Европанинг католик-православ оиласидан бошланган эди. А. З. Валидий Тўғон эса тарихий анъана ва урф-одатлар муҳим аҳамиятга эга мусулмон оиласида тарбияланди. Унинг кейинчалик олим сифатида шаклланиши Россия империясининг асосан мусулмонлар яшайдиган ҳудудларида миллий-ватанпарварлик кайфиятларининг кучайиши, миллий ўзликни англашнинг ўсиш даврига тўғри келди. Бу ҳолат XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий аҳолининг мустамлака тизимига қарши курашининг кучайиши билан бевосита боғлиқ эди. Тадқиқотнинг ушбу қисмида бу ҳақидаги маълумотлар батафсил келтирилган.

Диссертациянинг «**В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон асарларида Амир Темур ва Темурийлар давридаги тарихий жараёнлар талқини**» номли иккинчи бобида бу даврдаги асосий воқеаларнинг ўрганилаётган олимлар асарларидаги тадқиқи ёритилиб, тарихий воқеаликлардаги диалектик ўзгаришлар динамикаси кўрсатилди.

Биринчи параграфда В. В. Бартольднинг Амир Темур ва Темурийлар даврига оид асосий асарлари таҳлил этилган. Умуман, бу масалада олимнинг илмий фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчиси – 1917 йил Октябрь инқилобига бўлган давр бўлиб, бу вақтда унинг 149 тадан ортиқ илмий асарлари яратилган. Улардан ўнтаси бевосита ўрганилаётган мавзуга оиддир. Иккинчи давр – 1917 йилдан 1930 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олган. В. В. Бартольд бу йиллар оралиғида яратган 195 та асарнинг ўн икkitаси тадқиқот мавзуси билан боғлиқ.

В. В. Бартольднинг 1896 йилда яратилган илк асари – француз профессори Л. Каённинг Марказий Осиё тарихига оид асарига¹⁰⁹ тақриз эди. У асарга бутунлай салбий баҳо беради. В. В. Бартольднинг фикрича, “Марказий Осиё халқлари тарихининг жиддий илмий тадқиқини дунё асосан Россия илмий намоёндаларидан кутиши мумкин. Чунки, улар учун Марказий Осиё тарихи йўлини аниқлаш фақат соф назарий масала эмас”, балки сиёсий (амалий) аҳамиятга эга. Муаллиф бунда айни пайтда Марказий Осиё ҳудудининг катта қисми Россия империяси бўйсунувида эканлигини назарда тутган эди.

Диссертацияда В. В. Бартольднинг “Ҳофизи Абру ва унинг асарлари”; “Еттисув тарихи шарҳи”, “Мўғуллар босқини даврида Туркистон”, Эроннинг тарихий-географик шарҳи”, “Самарқандда 1365 йилги халқ ҳаракати”, «Улуғбек ва Хожа Аҳрор»¹¹⁰ (1918 й.) каби тадқиқотлари батафсил таҳлил этилган.

¹⁰⁹ Cahun L. Introduction à l'histoire de l'Asie. Turcs et Mongols des origins à 1405. – Paris, Armand Colin & Cie, Editeurs, 1896.

¹¹⁰ Олим икки антагонистик томон ўртасидаги қарама-қаршилик назариясини ифода этди: бир томондан – Мирзо Улуғбек ва унинг тарафдорлари, бошқа томондан – Хожа Аҳрор ва унинг тарафдорлари. Ф. Ш. Шомукарамованинг таъкидлашича, “совет тарихшунослигида бу қарама-қаршилик маърифатли ҳукмдор ва диний арбоб ўртасидаги зиддият сифатида кўрсатилди. Бундан ташқари, совет давридаги айрим тадқиқотчилар томонидан Мирзо Улуғбекни ўлдиришда Хожа Аҳрорнинг бевосита иштироки ҳақидаги “фактлар” келтирилди ва бунда В. Бартольднинг юқоридаги ишини манба сифатида кўрсатилди. Мустақиллик давридаги асосий манбалар асосида олиб борилган тадқиқотлар ушбу назариянинг буткул нотўғрилигини исботланди. Қаранг: Бартольд В. В. Улуғбек и Ходжа Аҳрор // Туркестанские ведомости. –1915. –1 сентябрь. –№ 193; Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. –Спб., 1916.

В. В. Бартольднинг Амир Темур ва Темурийлар даври тўғрисидаги маълумотлари асосан “Улуғбек ва унинг даври” номли асарида умумлаштирилган бўлиб, у олим ва подшоҳ Улуғбек Мирзо (1394-1449 йй.) ҳаёти тўғрисидаги монографик очерк ҳисобланади¹¹¹. Ю. Э. Брегелнинг фикрича, В. В. Бартольд куйидаги вазифани бажарган: «Улуғбек тўғрисидаги фантастик тасаввурни йўқ қилиш, гўёки хаёлпараст олим, ўз ҳукмронлигининг биринчи йилидан бошлабқоқ сиёсатдан тўлиқ юз ўгирган ва ўзининг бутун вақтини фақат математика ва астрономияга бағишлаган эмиш»¹¹².

В. В. Бартольднинг қайд этишича: «Туркистон тарихидан бохабар олим, ҳозирги Жиззахдан Чинозгача, Чиноздан Казалинскгача бўлган ташландик даштларда қачонлардир ажойиб маданий тараққиёт даври бўлгани тўғрисидаги эртақларга ишонмайди; Улуғбекка қўйиладиган ёдгорлик расмий режасини маъқулламайди, Темурлангнинг ўзини бутунлай илмга бағишлаган набираси тўғрисидаги чиройли афсонага ишонмайди»¹¹³. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, В. В. Бартольднинг ушбу монографияси Мирзо Улуғбек фаолияти ва ҳаёти тўғрисидаги биринчи комплекс тадқиқот бўлган, аммо ундаги айрим фикр-мулоҳазалар танқидий ёндашувни тақозо этади¹¹⁴.

Диссертацияда, шунингдек, В. В. Бартольднинг 1917 йилдан кейин чоп этилган “Улуғбек тангалари”, “Туркистон тарихи”, “Мусулмон олами тарихида Каспий яқинидаги вилоятлар тарихи”, “Озарбайжон тарихининг қисқа шарҳи”, “Эрон. Тарихий шарҳ”¹¹⁵, “Туркистон маданий ҳаёти тарихи”, “Ўрта Осиёнинг туркий халқлари тарихи бўйича ўн икки маъруза”¹¹⁶ каби асарлари ўрганилган.

В. В. Бартольднинг шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт»¹¹⁷ асари мантиқан «Улуғбек ва унинг даври» китобининг давомидир. Олим биринчи асарда Улуғбек тўғрисидаги фантастик тасаввурлар рад этмоқчи бўлса, иккинчисида Алишер Навоийнинг фақат Шарқ эмас, балки Европа панегиристлари¹¹⁸ томонидан ҳам яратилган фантастик образини имкон даражасида бирламчи манбалар асосида реал тасаввурга алмаштирмоқчи бўлган. Бироқ, В. В. Бартольднинг Алишер Навоий ижодини умуман тақлид деб, ўзигача бўлган нотўғри тасаввурни қўллаганлиги унинг хатосидир¹¹⁹. Олимнинг бу фикри асарнинг биринчи боби бошида келтирилган:

–Т. XXIII. 3– С. VII–IX; Шамукарамова Ф. Ш. Жизнь и творчество Мирзо Улугбека в историографии XX века. –Ташкент: Yangi nashr, 2012. – С. 25.

¹¹¹ Бу илмий иш 1918 йилда чоп этилган. Қаранг.: Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. Ч. 2. – С. 23–196.

¹¹² Бартольд В. В. Улугбек и его время. / Предисловия. / Сочинения. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 6-7

¹¹³ Бартольд В. В. Сочинения. Т. IX. –С. 533.

¹¹⁴ Умняков И. И. Аннотированная библиография. –С. 86; Бартольд В. В. Сочинения. Т. IX. – С. 522–533.

¹¹⁵ 1926 йилда чоп этилган ушбу нашр В. В. Бартольднинг "Эроннинг тарихий ва географик шарҳи" асарини қўп жиҳатдан такрорлайди. Қаранг: Бартольд В. В. Историко-географический обзор Ирана / Сочинения. Т. VII. – С. 23–196.

¹¹⁶ Унинг маърузаларида бир қатор қарама-қарши фикрлар мавжуд. Қаранг: Бартольд В. В. Сочинения. Т. V. – С. 166; Шу муаллиф. Тюрки: Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Алматы: Жалын, 1993. – С. 161.

¹¹⁷ Бартольд В. В. Сочинения. Т. II, Ч. 2. – С. 197– 260.

¹¹⁸ Бартольд В. В. Сочинения. Т. II, Ч. 2.– С. 200; Умняков И. И. Аннотированная библиография. – С. 131.

¹¹⁹ В. В. Бартольд бу ҳақда шундай деб ёзган эди: "... Мир Алишернинг шеърини фақат тақлид эди; Мир Алишер турк тилининг форсчадан қолишмаслигини исботлашга ҳаракат қилди ва шу мақсадда форс адабиётида маълум бўлган асарларни бир хил сарлавҳада турк тилида ёзди. ..." Қаранг: Бартольд В. В. Сочинения/Брегель Ю. Э. Предисловие. Т. II, Ч. 2. – С. 9

“Мир Алишер – туркийлар маданий ҳаёти ва адабиётидаги энг ажойиб намоянда бўлиб, улар бутунлай форс мусулмон маданияти таъсирида бўлганлар”, – деган сўзларидан маълум бўлади¹²⁰.

II бобнинг иккинчи параграфида А. З. Валидий Тўғоннинг асосий асарлари тадқиқ этилган. Унинг дунёқарашига, худди В. В. Бартольд илмий меросидаги каби, Россияда юз берган сиёсий ўзгаришлар катта таъсир таъсир қилган.

А. З. Валидий Тўғон фаолиятининг биринчи даври 1909-1916 йилларни ташкил этади. «Турк ва татар тарихи»¹²¹ олимнинг биринчи муҳим асаридир. У методологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, асарда Амир Темур ва Темурийлар даври шунчаки эслатилади. Шу билан бир қаторда, бу асарда айрим маҳаллий (ғаразгўй олимлар – Ас. М.) муаллифларнинг таъсири аниқ кўринади. Маълумки, бу пайтда тор маҳаллий манфаатларнинг устун қўйилиши ва тарихнинг сиёсийлаштирилганлиги сабабли айрим туркий республикаларда Амир Темур фаолияти салбий баҳоланган эди¹²².

Диссертацияда олимнинг «Чиғатой шоири Лутфий ва унинг девони»¹²³; «Туркистон мактублари IV»¹²⁴; «Ибн Халдун тасавурида мусулмон давлатлари келажаги»¹²⁵ асарлари ҳам таҳлил этилган.

А. З. Валидий Тўғон фаолиятининг иккинчи даври 1923-1948 йилларни ўз ичига олади. 1932 йилда олим Истамбулдаги “Атсыз маджмуа” тўпламида «Темурбекнинг исломга муносабати»¹²⁶ мақоласини нашр этган.

Диссертацияда А. З. Валидий Тўғоннинг “Ислом энциклопедияси”да чоп этилган “Алишер”, “Алишер Навоий тўғрисида савол: доктор Ризо Нурга жавоб”, “Буюк туркий шоир Алишер Навоий”, “Темур мақбараси”, “Бойсунгур мирзо: ҳаёти ва унинг ижоди” мақолалари тадқиқ этилган.

1946 йилда А. З. Валидий Тўғон «Умумий турк тарихига кириш» монографиясининг биринчи қисмини эълон қилди. Олимнинг XVI асргача бўлган тарихий даврни қамраб олган бу асари¹²⁷ собиқ Иттифоқдаги олимларга етиб бормаган.

¹²⁰ Бартольд В. В. Сочинения. Т. II, Ч. 2. – С. 200; Умняков И. И. Аннотированная библиография. – С. 131.

¹²¹ Валидий З. Турк ва татар тарихи (История тюрков и татар). – Казань, 1912, Ч. I. – С. 280; Шу муаллиф. История башкир. История тюрков и татар / Перевод Юлдашбаева А., Вильданова А. Предисловие Кузеева Р. Г. – Уфа, 1994. – С. 352.

¹²² Nazmiye Togan v/d/ @Zeki Velidi Togan'in Kendi Tasnifine Gore Mesai Evraki. Ataturk Unisitetesi Fen-Edabiyat Fakultesi Arastirma Dergisi / Ord.Prof.Dr. Ahmed Zeki Velidi Togan Ozel Sayisi. Fasikul 1 Sayi 13. 1985. – S.43.

¹²³ Ушбу асар тарихий фактлар мазмуни жиҳатидан қимматли бўлиб, манбашунослик ва тарихшунослик хусусиятига эга. Қаранг: Валидов А. З. Джагатайский поэт Лутфи и его диван (сборник стихотворений). – Казань, 1914. – С. 40; Байкара Тунджер. Заки Валидий Тоган... – С. 83; Абдурахманов М. Научная деятельность... – С. 65 – 72; Мирзаева Г. Б. А. З. Валидов о творчестве Лутфи / Исламская цивилизация в Волго-Уральском регионе. Сборник материалов 4 международного симпозиума, посвященного 120-летию А. З. Валидова. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – С. 415.

¹²⁴ Унда буюк шоир ва темурий саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт йўли ва адабий фаолияти тасвирланган. Қаранг: Ахмад Закий, г. Андижан. Мирзо Бабур. «Бабур-наме». // Иль. - Пг. 1914. 1, 22, 29 марта; Салихов А. Сочинения, созданные до 1917 года. – Уфа: Китеп. – 1999. – № 37. – С. 198 (на башкирском языке); Абдурахманов М. Научная деятельность. – С.144–148.

¹²⁵ Бойқора Тунжер. Закий Валидий Тўғон ... – Б. 82

¹²⁶ Қизиғи шундаки, олим ўша пайтда унга маълум бўлган ёзма манбалар асосида Амир Темур ва Темурийларнинг динга бўлган муносабатини ёритди // Атсыз маджмуа- Истанбул . 1932. № 13. - Б. 7 -11 (турк тилида).

¹²⁷ Zeki Velidi Togan Umumi Türk tarihine giriş. Cilt 1: En eski devirlerden XVI. Asra kadar. – İstanbul, 1946. – S. 488;

1948-1970 йиллар А. З. Валидий Тўғон фаолиятининг учинчи даврини ташкил қилади. Бу даврда унинг “Хондамир”, “Хоразм”, “Ҳайдар Мирзо” ва “Ҳирот” мақолалари энциклопедияда, “Темур ва Ёилдирим Боязид” мақоласи “Тасвир” журналида нашр этилган. 1949 йилда олимнинг “Буюк туркий подшоҳ Шохрух” номли мақоласи чоп этилган. А. З. Валидий Тўғоннинг машҳур мақолаларидан бири «Амир Темур шажараси тадқиқоти»дир¹²⁸. Унда Амир Темур аждодлари номлари келтирилган. Шажара матни О. Бўриев томонидан ҳам нашр этилган, араб ёзуви хусусияти туфайли номлар ёзилишида баъзи фарқлар учрайди. В. В. Бартольд ушбу шажарани Амир Темурнинг ўзи, ўғиллари ёки уларнинг яқинлари томонидан сунъий тарзда тузилган, деб янглишган. А. З. Валидий Тўғон Амир Темурнинг оилавий шароитини тадқиқ этиб шундай хулосага келдики, Амир Тарағай оиласи фақат шарқий ва ғарбий Туркистонда эмас, балки Хуросон, Афғонистоннинг нуфузли шахслари билан ҳам қариндошлик муносабатида бўлган экан.

1958 йили А. З. Валидий Тўғоннинг «Темурнинг шарқий Европага нисбатан сиёсати» ва «Темурнинг Украина ва Шимолий Кавказга 1395 йилги юриши»¹²⁹ номли икки мақоласи нашр этилди. Уларда олим ўша даврни жиддий тадқиқ қилиб, турли сиёсий кучлар муносабатини аниқлади. У тарихни чуқур ўрганиб: “Ҳеч нарсага қарамасдан, Амир Темурнинг Султон Боязидни Тўхтамишхон уларнинг рақиби фаранглар иттифоқчиси эканлигига ишонтиришга қилган ҳаракати бутунлай эътиборсиз қолдирилмади. Шунинг учун, тарихчи Бадриддин ал-Айни асарида Тўхтамишхон ва Боязид аскарлари орасида бўлиб ўтган ҳижрий 801 йилдаги (1398 йил 13 сентябрдан 1399 йил 3 ноябригача) тўқнашувлар тўғрисида қисқа маълумотни топамиз”, – деган хулосага келди. Ушбу тадқиқотлар икки жиҳати билан қимматлидир: биринчидан, уларда муҳим ёзма манба илмий муомалага киритилган; иккинчидан, улар шарқий Европа тарихида бўлиб ўтган муҳим воқеаларни чуқур ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, ушбу тадқиқотлар А. З. Валидий Тўғоннинг Амир Темур ташқи сиёсатини ўрганишга қўшган муҳим ҳиссаси бўлди¹³⁰.

1960 йили А. З. Валидий Тўғон «Техрон кутубхоналаридаги Ҳиндистон кўлёмаларида ўзбек тили ва Темурийлар миниатюралари намуналари»¹³¹ номли муҳим илмий ахборотни эълон қилди. Ушбу масалани ўрганишга олимнинг қўшган ҳиссаси шундаки, у Истамбулдаги Топқопу музей кутубхонасида (Хазина, 2153, л. 98а) Бойсунғур Мирзонинг (1397-1433 й.) китобдори Жаъфар Бойсунғурий ёзган *арзадашт* кўлёмасини топиб, эълон

Umuml Türk tarihine giriş. – İstanbul, 1981. – S. 438.

¹²⁸ Заки Валидий Тоған. Таҳқиқи насаби Амир Темур / Зе мажлиси Армуған-и илми. – Лахор, 1955. – S. 51, 69, 105– 113, 119 (на перс. языке); Заки Валидий Тоған. Амир Темурун суюнига дойр бир арашгирма // Тарих. – Стамбул: Издание факультета литературы Стамбульского университета, 1972. – № 26. – С. 76– 84. (турк тилида) (бундан кейин– Тоған. Родословная).

¹²⁹ Байкара Тунджер. Заки Валидий Тоған. – С. 107.

¹³⁰ Toğan Z. V. Timurs Osteuropapolitic // Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft. Bd. 108. 1958. – S. 279– 298.

¹³¹ Материалы к библиографии Ахмет-Заки Валидий Тоғана. – С. 55; Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоған. – С. 108– 109.

қилди.

А. З. Валидий Тўғон яна иккита мақола эълон қилган бўлиб, улардан бири «Техрон кутубхоналарига Хиндистондан келиб қолган Темурийлар санъати ва ўзбек тили намуналари» деб аталади¹³². Унда Техрондаги Эрон давлат кутубхонасида сақланаётган «Мураққа-и Гулшан» (№ 4617) ЮНЕСКО томонидан «Эрон» номи остида чоп этилган альбом ўрганилган.

Олимнинг “Темур” номли мақоласи 1961 йилда Ислон энциклопедиясида урду тилида эълон қилинган. 1964 йилда эса “Ғозон хон Халил ва Баҳовуддин Нақшбанд” номли мақоласи ҳам урду тилида нашр этилиб, кейинроқ турк тилига таржима қилинган. Мазкур мақолаларда қисқача тарихий-биографик маълумотлар келтирилган.

А. З. Валидий Тўғоннинг «Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи»¹³³ асарида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданияти тўғрисида қисқа ҳамда айрим маълумотларгина ўрин олган. Шунга қарамай, муаллиф бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари орқали Амир Темур сиймосини ва ўша давр маданиятини таърифлаб бера олган.

А. З. Валидий Тўғон Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи бўйича чоп этилган мақола ва асарларидан ташқари, бой қўлёзма ва нашрга тайёрланган материалларни мерос қолдирган. Улар орасида «Амир Темур тарихи: 1963-1964, 1964-1965 ўқув йиллари ёзги, қишки семестрлар маърузалари»¹³⁴ ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Диссертациянинг «**В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг Темурийлар даври тарихи бўйича илмий мероси XX аср тарихшунослигида**» номли учинчи бобида ушбу машҳур олимлар илмий меросининг Ўзбекистонда Марказий Осиё тарихини янгича англашдаги таъсири ва аҳамияти кўрсатиб берилди. Шунингдек, ушбу бобда В. В. Бартольд ва А. З. Валидийнинг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси, олимлар тарихий қарашларининг ўзбек тарихшунослигига кўрсатган таъсири аниқланди. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий тарихий қарашларининг ўзбек тарихшунослигида ўрганилиши масалалари тадқиқ этилди.

В. В. Бартольднинг илмий мероси таҳлилига бағишланган тадқиқотларни даврий жиҳатдан уч қисмга бўлиш мумкин: Октябрь инқилобига яратилган тадқиқотлар, совет даври ва мустақиллик йиллари нашрлари. Биринчи давр тадқиқотлари асосан тақризлар, илмий нашрларда олим тўғрисида эълон

¹³² Tehran Kutuphanelerinde Hindustandan gelen eserlerde Cagatay dil ve Temerlu sanat abideleri// Turk Tarih kurumu basimevi, Belleten. Cild XXV. Sayi 95.– Ankara. – S. 441– 445.

¹³³ Togan Zeki Velidi. Natiralar. Turkestan ve diger musulman dogu turklerin milli varlik ve kultur mucadeleri. - Istanbul, 1969; Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Борьба мусульман Туркестана и других восточных тюрок за национальное существование и культуру / Перевод с турецкого Шафикова Г., Юлдашбаева А. 2 части. – Уфа: «Китап», 1994; 1998; Тоган Заки Валиди. Воспоминания. Борьба мусульман Туркестана и других восточных тюрок за национальное существование и культуру / Перевод с турецкого Феоновой В. Б. Примечания, послесловие, указатель имен Исхакова С. М. – М. 1997. –649 с. (далее – Воспоминания...1997.); Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи / Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи Абдурахмонов М. – Тошкент: «Истиклол нури», 2014. – Б. 609.

¹³⁴ Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоган... – С. 127– 128; Государственная библиотека Республики Башкортостан имени А. З. Валидова. Отдел редких книг. Папка № 50029.

қилинган мақолалардан иборат. Уларнинг мақсади аниқ бўлиб, В. В. Бартольднинг Шарқ халқлари тарихи ва маданияти билимдони сифатидаги хизматларини тан олиш эди. Бу даврда В. В. Бартольд қадимги Шарқни, ҳеч қандай тайёргарликсиз, замонавий тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, мумтоз матнларга асосланиб ўрганишнинг сиёсий аҳамиятини кўрсатган эди¹³⁵. Иккинчи давр – совет ҳукмронлиги йиллари энг обрўли мутахассис сифатида В. В. Бартольднинг илмий фаолияти ва ҳаётига қизиқишнинг кучайиши билан характерланади. Бу даврда ўз устози асарларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган тарихчилар гуруҳи шаклланди. А. Ю. Якубовский, А. А. Семенов, Б. В. Лунин, И. И. Умняков, Н. Н. Туманович ва бошқа совет тадқиқотчилари шулар жумласидан эди¹³⁶.

И. И. Умняков ўз устози В. В. Бартольднинг илмий меросини ўрганишга самарали ҳисса қўшган¹³⁷. И. Умняковнинг энг биринчи муҳим ишларидан бири В. В. Бартольд асарларининг 1976 йилда нашр этилган аннотацияли библиографиясидир. Унда олим асарларининг қайта нашрлари ва чет тилларга қилинган таржималари рўйхатидан ташқари, В. В. Бартольд тўғрисидаги 141 номдаги янги асарлар ҳамда айрим тадқиқотларнинг шарҳи киритилган эди. В. В. Бартольд асарларининг аннотацияли библиографияси ўзининг тўлиқлиги ва аниқлиги билан ажралиб туришини қайд этиш лозим. Ушбу асар шакл-шубҳасиз узоқ ва самарали меҳнат натижасидир.

В. В. Бартольд илмий меросини ўрганиш соҳасидаги энг машҳур асарлардан бири Н. Н. Тумановичнинг «Академик В. В. Бартольд архиви тавсифи»¹³⁸ номли каталоги бўлиб, бу асарда олима ўзидан аввалги тадқиқотчиларнинг ишларига асосланган. Мазкур тадқиқот мавзу доираси ва вазифалари бўйича В. В. Бартольднинг тўққиз томли асарлар тўпламига яқин туради. Бу китоб олимнинг илмий мероси ҳақида батафсил маълумот бериш билан бирга, унинг ўзи тўғрисидаги қўшимча тафсилотларни билишга ёрдам беради.

¹³⁵ Бартольд В. В. По поводу проекта С. Ф. Ольденбурга [1902] // Бартольд В. В. Сочинения. – М.: Наука, 1977

¹³⁶ Крачковский И. Ю. Памяти В. В. Бартольда // Красная газета. – Л., № 197 (2555). 21. VIII. 1930 (вечерний выпуск); Марр Н. Я. Василий Владимирович Бартольд. По поводу 30-летия профессорской деятельности // «Бюлл. САГУ». – Ташкент, 1926. – № 14, – С. 175–206; Семенов А. А. Надписи на надгробиях Темура и его потомков в Гур-и Эмире // Эпиграфика Востока. II. 1948. – С. 49–62; III. 1949. – С. 45–58; Гийасаддин Али. Дневник похода Темура в Индию / Пер. с персидского, предисл. и прим. Семенова А. А. – М., 1958; Семенов А. А. Взаимоотношения Алишера Навои и султана Хусейн-Мирзы // Исследования по истории культуры народов Востока. Сборник в честь академика И. А. Орбели. – М.- Л., 1960. – С. 237–249 (А. А. Семенов не был учеником В. В. Бартольда, а был продолжателем его научных изысканий); Петрушевский И. Академик В. В. Бартольд (биографическая справка) // Сочинения. – М., 1963. Т. I – С. 14–15; Акрамов Н. М. Выдающийся русский востоковед В. В. Бартольд. – Душанбе, 1963. – С. 112; Шу муаллиф. О некоторых материалах биографии В. В. Бартольда // Известия Академии Таджикский ССР. Вып. 1(28). – Душанбе, 1962. – С. 3–13; Шу муаллиф. Из неопубликованных писем А. А. Семенова В. В. Бартольду // Ученые записки кафедры истории СССР Душанбинского педагогического института. – Душанбе, 1970. – С. 71–92; Шу муаллиф. Русские исследователи и их вклад в изучение истории, археологии и этнографии народов Памира и Припамирья: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Душанбе; М., 1975. – С. 35; Шу муаллиф. Академик В. В. Бартольд. – Душанбе: Ирфон, 1976. – С. 56; Шу муаллиф. Бартольд // Энциклопедия советии точик. – Душанбе, 1986. Ч. 1. – С. 382.

¹³⁷ Умняков И. И. В. В. Бартольд. По поводу 30-летия профессорской деятельности. – Бюллетень Среднеазиатского гос. университета. – Ташкент, 1926. – № 14. – С. 175–202.

¹³⁸ Туманович Н. Н. Описание архива академика В. В. Бартольда / Отв. редактор Кононов А. Н. – М., 1976. – С. 232–364.

Б. В. Лунин В. В. Бартольд ижодининг йирик тадқиқотчиларидан биридир. У олимнинг фаолиятига энг юқори баҳо берган. Тадқиқотчи томонидан яратилган энг батафсил тарихшунослик очерки – «Академик В. В. Бартольднинг ҳаёти ва фаолияти. Марказий Осиё ватан шарқшунослигида»¹³⁹ асаридир. Б. В. Луниннинг тарихшунослик соҳасидаги нашрлари унга Марказий Осиё ижтимоий фанлари соҳасидаги олим сифатида катта обрў келтирган¹⁴⁰.

Учинчи даврда Ўзбекистонда В. В. Бартольднинг илмий меросини янгилаш нуктаи назардан, объектив ўрганиш имкони пайдо бўлди. Бу эса Амир Темур ва Темурийлар тарихини тадқиқ қилишга бўлган эътибор билан бевосита боғлиқдир. Тарихшунослик соҳасида В. В. Бартольднинг илмий меросига алоҳида аҳамият қаратилган тадқиқотлардан бири Б. А. Усмоновнинг номзодлик диссертациясидир¹⁴¹. Унинг учинчи боби Амир Темур ҳаёти ва давлат бошқарувидаги фаолиятининг XX аср Россия тарихшунослигида ўрганилиши масалаларига бағишланган. Тадқиқотда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг В. В. Бартольд томонидан талқин қилиниши масалалари очиқ берилган. Б. Усмонов В. В. Бартольднинг Амир Темур шахсий хусусиятларига ижобий баҳо берганини таъкидлайди. Шу билан бирга, у В. В. Бартольднинг Амир Темур тўғрисидаги айрим мулоҳазалари нотўғри эканлигини кўрсатиб ўтган бўлса-да, уларнинг келиб чиқиши сабабини очиқ бермаган.

Ф. Ш. Шомукарамова ўз диссертация ва монографиясида В. В. Бартольд асарларида қатор баҳсли ўринлар, хато хулосалар мавжудлигини кўрсатиб ўтган¹⁴².

О. Р. Рахматуллаева¹⁴³ Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги изланишларни таҳлил қилар экан, мустақиллик йилларида совет давридаги Амир Темурга нисбатан салбий бирёқлама баҳолашдан воз кечиш юз берганлигини кўрсатиб ўтган. Тадқиқотчи 1991-2009 йилларда Ўзбекистонда нашр қилинган асарларни тарихшунослик нуктаи назаридан таҳлил этган.

У. А. Абдуллаев совет даври олимлари Амир Темурга салбий баҳо беришда В. В. Бартольднинг илмий хулосаларига асосланганликларини очиқ берган¹⁴⁴.

А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросини ўрганиш ва таҳлил қилишни даврий жиҳатдан иккига бўлиш мумкин. Булар – олимнинг сиёсий фаолияти бошлангунга қадар (1916 й.) ва сиёсий муҳожирликкача (1923 й.) бўлган даврга

¹³⁹ Лунин Б. В. Жизнь и деятельность академика В. В. Бартольда // Средняя Азия в отечественном востоковедении. – Ташкент: Фан, 1981.

¹⁴⁰ Алимова Д. А., Германов В. А. Борис Владимирович Лунин – патриарх среднеазиатской школы историографии // История и историки Узбекистана в XX столетии. – Ташкент: «Navro'z», 2014. – С. 359.

¹⁴¹ Усмонов Б. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVII–XX асрлар). Тарих фан. ном. дис. автореферати. – Тошкент, 2004.

¹⁴² Шомукарамова Ф. Ш. Жизнь и творчество Мирзо Улугбека в историографии XX века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006; Шу муаллиф. Жизнь и творчество Мирзо Улугбека в историографии XX века. – Ташкент: Yanginashr, 2012. – С. 256.

¹⁴³ Рахматуллаева А. Р. Историография жизни и деятельности Амира Темура в Узбекистане (1991–2009): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2010.

¹⁴⁴ Абдуллаев У. А. Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги сиёсати. Тар. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 6.

оид асарлардир. А. З. Валидий Тўғон ижодининг биринчи даври тўғрисида асосан турли тақриз, мақола ва илмий нашрлардаги тадқиқотлар эълон қилинган¹⁴⁵. В. В. Бартольднинг ўзи ҳам А. З. Валидий Тўғон кўтарган туркий-мусулмон халқлари маънавий меросини ўрганиш масалаларининг долзарб эканлигини таъкидлаган эди¹⁴⁶.

Иккинчи давр А. З. Валидий Тўғоннинг сиёсий муҳожирлик йилларини қамраб олади. Собиқ Иттифокда олимнинг илмий мероси ғоявий нуқтаи назардан, фақат танқидий руҳда ўрганилган¹⁴⁷. Чунки, совет олимлари коммунистик мафкура ва мустабид тузум шароитида А. З. Валидий Тўғон фаолиятини ҳолис ёки ижобий баҳолаш имкониятидан маҳрум эдилар.

Хорижий мамлакатларда А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросини ўрганиш XX асрнинг 20-йилларидаёқ бошланган эди¹⁴⁸. 1951 йилда Истамбулда бўлиб ўтган Шарқшуносларнинг XXII халқаро анжуманидан сўнг А. З. Валидий Тўғон жаҳонга танилди¹⁴⁹. 1955 йилда К. Удук ва М. Жексон олимнинг чоп этилган ва чоп этилмаган ишларининг библиографик тавсифини кенгайтирилган тахрирда нашр этдилар¹⁵⁰. 1956-1957 йилларда эса Абдулқодир Инан “Тюрк Юрду” журналининг 262-264 сонларида “Профессор, доктор Аҳмед Закийнинг илмий фаолияти” номли мақоласини нашр этиб, унда олимнинг муҳожирликкача бўлган илмий фаолиятини ёритган¹⁵¹. Яна қатор туркиялик олимлар А. З. Валидий Тўғон илмий меросини ўрганишга катта ҳисса қўшганлар¹⁵². Хусусан, Т. Байкаранинг¹⁵³ “Закий Валидий Тўғон” номли

¹⁴⁵ Махмудхожа Бехбудий. Туркистон тарихи керак (История Туркестана нужна) // Ойна. – 1914. – № 38; Заки Валиди афандининг Фарғона музофоти ҳақида (О Ферганской экспедиции господина Заки Валиди) // Садои Фарғона. – 1914. 11 мая; Самойлов А. Н. Материалы по среднеазиатско-турецкой литературе // ЗВО Русского общества. Т. XXII; Олимжон Шараф. Турк ва татар тарихи. Заки Валиди афанди хизматлари (История тюрков и татар. Заслуга господина Заки Валиди)//Шура. – 1916. – № 11– 12; Диваев А. Последние дни Худаярхана // Туркестанские ведомости. – 1916. – № 201.

¹⁴⁶ Бартольд В. В. Османская печать в Турции // Мир ислама. - Спб., 1912. Т.1. №1. Вып. 8. – С. 703– 704.

¹⁴⁷ 1921 йил 26 сентябрда РКП(б) МК Бошқирдистон АССР раҳбариятига “Валидовнинг контрреволюцион гуруҳига қарши шафқатсиз курашиш” лозимлиги тўғрисидаги мурожаатнома нашр этиш мажбуриятини юклаган. Қаранг: Кульшарипов М. М., Юлдашбаев А. М. Заки Валиди как политик и ученый-востоковед. – Уфа, 2010. – С. 6.

¹⁴⁸ Кепрюлюзаде Ф. Новые исследования в сфере тюркологии. – Анкара: «Хаят», 1926. – № 1. – С. 29–34 (На турецк. языке); Абдурахманов М. Научная деятельность А. З. Валидова в Туркестане. – С. 14.

¹⁴⁹ XXII *Mustesrikler Kongresi*. – Ankara: Zafer (Конгресс востоковедов// Зафер Анкара 6 ноября); 1951 'de Istanbulda toplanan Milletlerarasi XXII *Mustesrikler Kongresi ve ona ait intibalar*. –Istanbul. –S. 60, 2 foto Karaginda; 1951 'de Istanbulda toplanan Milletlerarasi XXII *Mustesrikler Kongresimesaisiveakislari* (XXII Международный Конгресс востоковедов 1951 года в Стамбуле и впечатления. –Стамбул. – С. 60).

¹⁵⁰ Ulicauc Diskson M. Unpublished Works of Prof. Zeki Velidi Togan.– S. XVII–XXXI.

¹⁵¹ Inan Abdukadir.Prof. D-r Zeki Velidi Togan Ulmi Faliyetleri. (Научная деятельность профессора, доктора Заки Валиди Тогана). – Istanbul: Турк юрду, 1956. – № 262, № 263; 1957. – № 264.

¹⁵² E'sin E. Merhum Prof. Zeki Velidi Togan in Hatiralari adli eseri (Воспоминания покойного профессора Заки Валиди Тогана) //Islam Tezkirleri Ens'titutisi Dergis'i. – 1987. – Cild IV. – 3–4 kisim. – S. 7–17; Kafes ogli Turk Milli Kuiltiuru. Diizeltimis ve genisletimis S. Baski. –Istanbul, 1988.-446 s.; Inan A. Makaleler ve Incilemeler. II Cild (Статьи и исследования). –Ankara, 1991. – S. 418; Kafali Togan (Ученый мыслитель Ахмет Заки Валиди Тоган) //Inmeyen Bayrak. A. Zeki Velidi Togan. Oltimunun Virmidorduncii yilinda Ahmet Prof. Zeki Velidi Togan'i anma miinasebetiyle. – Istanbul, 1994. – S. 51– 66; Salinov A. Ahmet Zeki Velidi Togan Bibliografyasi (Библиография Ахмет Заки Валиди Тогана) // Tirk Dinyasi Aras'tirmalari. –Istanbul, 1994. – S. 209– 230, и др.

¹⁵³ Baykara T. A. Zeki Velidi Togan (1890– 1970). Bibliografyasi (Библиография Ахмет Заки Валиди Тогана (1890– 1970) // Fen Edebiyat Fakultesi Arastirma Dergisi. Erzurum, 1989.Fasikul 1.– Sayi 13; Ord Prof. Dr. Ahmet Zeki Velidi Togan Ozel Sayisi.– S. 11– 31; A. Zeki Velidi Togan'in hayati ve Eserleri (Жизнь и труды А. Заки Валиди Тогана) // Fen Edebiyat Fakultesi Arastirma Dergisi. Erzurum, 1989.Fasikul 1.–Sayi 13; Ord Prof. Dr. Ahmet Zeki

библиографик асарида олимнинг илмий мероси тавсифи мукамал баён этилган.

Шуни қайд этиш зарурки, мустақиллик даврида Ўзбекистонда А. З. Валидий Тўғон ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва илмий меросига қизиқиш кучайиб, Б. Қосимов, А. Зоҳидов, М. Абдурахмонов, Р. Шигабдинов, Ш. Турдиев, Р. Шарипов, М. Х. Хўжаев, Д. Р. Мавлянова, Г. Б. Мирзаева ва бошқа муаллифлар бу борада ўз хиссаларни қўшдилар¹⁵⁴.

ХУЛОСА

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихининг В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросидаги ўрнини тадқиқ қилиш асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон асарларининг дунёнинг турли мамлакатларида нашр этилиши ва мазкур олимлар тўғрисидаги тадқиқотлар сонининг қўпайганлиги уларнинг илмий меросига илмий жамоатчиликнинг қизиқиши йилдан-йилга ортиб борганлигидан далолат беради.

2. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий дунёқарашининг ўзига хос хусусияти шу билан изоҳланадики, улар турли ижтимоий-сиёсий муҳитда шаклланиб, ривожланди. В. В. Бартольд илмий фаолияти асосий йўналишлари манбалари, унинг илмга кириб келиши Европа католик-православ оиласидан

Velidi Togan Ozel Sayisi.– S. 1– 10; Zeki Velidi Togan (Заки Валиди Тоган). – Ankara, 1989. – 230 s. Tarih Arastirma ve Yazma Metodu. Genisletirmis ikinci Basri (Методы исторического исследования). – Izmir, 1996. – S.192; Байкара Тунджер. Заки Валиди Тоган. – С. 328; и др.

¹⁵⁴ Қосимов Б. Аҳмад Заки Валидий. Мустамакка Туркистонда ижтимоий ва фикрий ҳаёт //Фан ва турмуш. – 1992. – №1; Туркистоннинг тугалмас дарди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1992. – № 25; Аҳмад Заки Валидий. Мағжон Жумабой // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1992. – № 32; Зоҳидов А. Профессор А.З. Валиди Тоган: философия истории Центральной Азии, его источники // Научные поездки А. З. Валиди Тогана в Туркестан. – Ташкент: Фан, 1997; Шигабдинов Р. Ахмет Заки Валиди и идея автономии Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. – Тошкент, 1996; Неизвестные страницы наследия А. Валиди //O'zbekiston tarihi. – 2000. – № 1– 2; Некоторые материалы из архива Республики Узбекистан, связанные с деятельностью Ахмед Заки Валиди Тоган. – Уфа // Ватандаш. – № 9; О некоторых материалах, связанных с деятельностью А.З. Валиди Тогана // Запад и Восток: взаимодействие культуры // Материалы научной конференции, посвященной 130-летию со дня рождения выдающегося российского востоковеда В. В. Бартольда. – Ташкент, 2000; «Тюркский мир» и его видение в геополитических концепциях Кемала Ататюрка и историка Валиди Тогана // International Journal of Central Asian Studies. Vol. 8. – Seoul (Южная Корея), 2003; Ахмад Заки Валиди об участии женщин в выборах в Туркестане // Женщины Центральной Азии. – 2004. – №14; Ахмад Заки Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер / Таржимон Турдиев Ш. – Ташкент: Адолат, 1997; Шарипов Р. Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. – Ташкент: Адолат, 2000; Хўжаев М. И. Ибн Халдуннинг ижтимоий қарашлари Заки Валидий талқинида // ЎзМУ Хабарлари. – Тошкент, 2010. – № 2. – С. 119 – 121; Шу муаллиф. Философские взгляды А. З. Валидова. История и культура народов Евразии прошлое, настоящее, будущее // Материалы международной научно-практической конференции, посвященной 120-летию со дня рождения видного ученого-тюрколога и общественного деятеля Ахмет-Заки Валиди Тогана. Стамбул 21 мая 2010 г. – Уфа: «Гилем», 2010. – С. 190 – 193; Шу муаллиф. А. З. Валиди о творчестве Ш. Марджани. Исламская цивилизация в Волго-Уральском регионе // Сборник материалов IV международного симпозиума. – Уфа, 2010. – С. 415 – 418. Шу муаллиф. Мемуары А. З. Валидова – ценный источник по истории и культуре тюркских народов // Всероссийский съезд востоковедов «Россия и Восток: взаимодействие стран и народов» / Международного научного симпозиума «Ахмет-Заки Валиди Тогана и актуальные проблемы востоковедения». – Уфа, 2015. – С. 455 – 456; Мавлянова Д. Р. Творчество Махтумкули в исследованиях А. З. Валидова // ЎзМУ Хабарлари. – Тошкент, 2010. – № 2. – С. 168 – 169; Мирзаева Г. Б. А. З. Валиди о творчестве Лутфи // Исламская цивилизация в Волго-Уральском регионе. Сборник материалов IV международного симпозиума. – Уфа, 2010. – С. 415 – 418; ва бошқалар.

бошланди. А. З. Валидий Тўғоннинг анъана ва урф-одатлар муҳим аҳамиятга эга анъанавий мусулмон оиласида тарбияланиши унда ўзини ўзи билишга ва билимини оширишга интилиш пайдо бўлганлиги билан характерланади. Унинг олим сифатида шаклланиши Россия империясидаги мусулмонлар яшайдиган ҳудудларда миллий-ватанпарварлик кайфиятларнинг кучайиши шароитида, миллий ўзликни англашнинг ўсиши даврига тўғри келди. Бу ҳолат XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий аҳолининг мустамлака тизимига қарши курашининг кучайиши билан боғлиқ эди.

3. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон тадқиқотларида Амир Темур ва Темурийлар давридаги тарихий воқеалар талқинининг бир-бирдан фарқ қилувчи хусусиятлари, унинг сабаб ва оқибатлари аниқланди. Ҳар икки олим фанга маълум ўрта аср ёзма манбалари асосида, ўзларининг ижтимоий-сиёсий ҳолатларидан келиб чиқиб, тарихий таҳлилни амалга оширдилар. Гарчи А. З. Валидий мураккаб сиёсий ҳолатда бўлса-да, Амир Темур ва Темурийлар давридаги тарихий жараёнларга объектив қаради. Ўз ўрнида В. В. Бартольд бошида Россия империясидаги босқинчилик қарашлари таъсирида бўлди, кейинчалик эса марксча-ленинча мафкура таъсирига тушиб қолди. Октябрь тўнтариши ва миллий чегараланишдан кейин унинг асарлари ва оммавий чиқишлари сиёсий талаб асосида амалга оширилган бўлиб, бунда собиқ Иттифоқдаги кичик, “майда” халқлар тарихини ёритиш заруриятидан келиб чиқиб ёндашилган эди. Унинг кейинги асарларида ўша давр сиёсий таъсири яққол сезилади, улар турли янги совет республикалари ташкил этилганини оқлаш учун ёзилгани маълум бўлди.

4. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон тадқиқотлари услубини таҳлил қилиш жараёнида уларнинг иккаласида ҳам ўхшаш ёндашув кузатилади. Бу эса уларнинг тарихий ва маънавий-маданий жараёнларни қиёсий манбашуносликдаги объективлик ва тизимлилик асосида янги замонавий Европа таомиллари бўлган рационал-танқидий, қиёсий-генетик таҳлиliga таянганлигида намоён бўлади. Бу ҳол, айниқса, иккала олимнинг тарихий тараққиётга идеалистик ёндашувида кўринади. Улар Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганар эканлар, европоцентриқ ёндашувга қарши бўлганлар. Бироқ, Россиядаги октябрь тўнтаришидан кейин, В. В. Бартольд тадқиқотларида материалистик ёндашув ҳамда оммабоплик характери кучайди. Иккала олим бир хил қиёсий таҳлил илмий усуллардан фойдаландилар. Лекин В. В. Бартольд манбаларга танқидий руҳда ёндошишга ҳаракат қилган, Шарқ қўлёмаларининг ўзига хослигини ҳисобга олмаган. Улар расмий маддоҳлик руҳига эга эди. Бу эса ўрта асрлар учун табиий бир ҳол бўлиб, воқеа ҳодисалар ва шахсларни аниқ мақташга мўлжалланган эди.

5. Ўз ўрнида, А. З. Валидий Тўғон Марказий Осиё халқлари, шу жумладан туркий халқлар тарихи ва маънавий мероси илмий таҳлилида ўрта асрлар араб, туркий-мусулмон жамиятида шаклланган мумтоз асарларга хос соф танқидий эҳтиёткорона муносабатда бўлди. Иккала олим томонидан Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишдаги манбавий асос шундай хулоса қилишга имкон берадики, уларнинг методологик қарашлари тизими Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишдаги янги ўзига хос концепцияларнинг

шаклланишига олиб келди.

6. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон асарларидаги Амир Темур ва Темурийлар даври сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг ўрганилиши ва таҳлил қилиниши, бу даврнинг жаҳон маданияти тараққиётидаги аҳамияти турлича баҳоланган, деган хулосага келишга имкон беради. Бир томондан, В. В. Бартольд таъкидлаган, XV-XVI асрлар маданияти бошқа худуддан келтирилган маданий анъаналарга, энг аввало эроний анъаналарига асосланган. Унинг фикрича, туркий халқларнинг маданиятга таъсири, мавжуд маҳаллий эроний маданиятни бузишдан бошқа нарса эмас. Иккинчи томондан, А. З. Валидий Тўғоннинг фикрига кўра, Амир Темур ва Темурийлар даври туфайли Мовароуннаҳр ва бутун Марказий Осиёда илм-фан, маданият тараққиёти юз берди. В. В. Бартольд ўз асарларида Амир Темур ва Темурийлар даврининг ижобий ва салбий томонларига алоҳида эътибор қаратиб, баъзан ўз фикрларига ҳам қарама-қарши чиққан ҳолатлари юз берган. Ўз ўрнида А. З. Валидий Тўғон 1912 йили Идил худуди тарихчиси сифатида, маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб, Амир Темур фаолиятига салбий баҳо берган эди. Лекин у кейинчалик йирик тарихчи даражасига кўтарилиб, Амир Темур фаолиятини тор маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб эмас, балки умумий тарихнинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда, ҳаққоний баҳолади.

7. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросини ўрганиш ва таҳлил этиш даврлар кесимида турлича бўлган: В. В. Бартольд илмий меросини ўрганишни шартли тарзда уч даврга бўлиш мумкин – октябрь тўнтаришидан аввалги вақтда яратилган асарлар, совет давридаги нашрлар ва мустақиллик даври адабиётлари. А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросини ўрганишни шартли икки қисмга – олимнинг сиёсий фаолият билан шуғулланган вақтигача бўлган фаолиятини ва муҳожирлик давридаги ижодини ўрганишга бағишланган асарларга ажратиш мумкин.

8. А. З. Валидий Тўғоннинг илмий мероси совет даврида ҳукмрон мафкура сабабли деярли ўрганилмади.

9. Мустақиллик даври нашрларининг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослигида янги ёндашув шаклланмоқда. Масалан, Б. В. Лунин В. В. Бартольд илмий меросига ижобий баҳо берган ҳолда, биринчи марта унинг тадқиқотларидаги салбий томонларини ҳам очиб берган. Ш. М. Ўлжаева совет тадқиқотчиларининг 1950-1960 йиллардаги асарларида Амир Темур ва Темурийларга баҳо беришда бирёқлама синфий ёндашувни кўрсатиб берди. Б. А. Усмонов В. В. Бартольднинг Амир Темурнинг ҳаёти ва давлат бошқарувига муносабатини ўрганар экан, уларнинг ижобий томонлари билан олимнинг хато фикрларини манбалар асосида аниқлади. Тадқиқотчи бу фикрларни Мовароуннаҳрнинг XIV-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганиш ҳамда бу борадаги бирламчи ёзма манбалар маълумотларини қиёслаб кўрсатиш асосида исботлаб берди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, В. В. Бартольд дунёқарашининг ўзгариши динамикасини эътиборга олмаганда, у Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишга жуда катта ҳисса қўшди. Сўнгги йилларда

тарихий тафаккурдаги ўзгаришларга қарамай, олимнинг асосий асарлари ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмади.

10. Ўзбекистонда А. З. Валидий Тўғоннинг ҳаёти, ижтимоий фаолияти ва илмий меросига Б. Қосимов, А. Зоҳидов, М. Абдурахмонов, Р. Шигабдинов, Ш. Турдиев, Р. Шарипова ва бошқалар катта қизиқиш билан қарадилар. Унинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан М. Абдурахмонов самарали шуғулланди. Олимнинг охириги иши “Хотиралар» асарининг ўзбекча тўлиқ таржимаси нашридир.

11. Олимларнинг А. З. Валидий Тўғон фаолияти ва илмий меросини ўрганишдаги салмоқли ишларига қарамай, бу соҳада эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлиб, уларни чуқур ўрганиш зарур. Олимнинг илмий меросидаги Марказий Осиё тарихи муаммолари, хусусан айнан Амир Темур ва Темурийлар даври кам ўрганилган. Шунини таъкидлаш мумкин, бу соҳа ватанамиз тарихшунослигида энди шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

12. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишда совет ва кейинчалик Ўзбекистон тарихшунослигида В. В. Бартольд асарларидан, А. З. Валидий Тўғонни кўра, кўпроқ фойдаланилган. Бу эса Амир Темур ва Темурийлар даври тарихининг баъзи масалаларини тўлиқ ёритишга тўсқинлик қилади. А. З. Валидий Тўғоннинг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид асарларидан фойдаланиш илмий муомалага янги тарихий фактларни олиб киришга хизмат қилади.

13. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг илмий меросини тарих илмининг энг сўнгги замонавий ютуқлари асосида қиёсий ўрганиш Ўзбекистон тарихшунослигида Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишдаги уларнинг роли ва ўрнига ҳолис, ҳаққоний боҳо бериш имконини берди.

Тадқиқот натижасида қўлга киритилган хулосалар қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** илгари суришга асос берди:

1. Мазкур тадқиқот шунини кўрсатадики, В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон илмий меросининг Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига бағишлаган асарларини ўрганишга доир тадқиқотлар сони анчагина бўлишига қарамай, бу масала ҳозиргача тўлиқ тадқиқ қилинган, деб бўлмайди. А. З. Валидий Тўғоннинг баъзи асарлари нашр қилинмай, қўлёзма ҳолида қолиб келмоқда. Уларнинг олимнинг ватани Бошқирдистон, Туркия ва Ўзбекистон тарихи учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб чуқур ўрганиш ва нашр қилиш мақсадга мувофиқ.

2. 1892-1930 йиллар давомида В. В. Бартольднинг 400дан ортиқ тадқиқотлари чоп этилган. Уларнинг кўпчилиги хорижий тилларга (турк, форс ва араб) таржима қилиниб чоп этилган. «Ислом энциклопедияси»дан олимнинг 246 мақоласи ўрин олган. Бу асарларнинг аксарияти Марказий Осиё тарихига бағишланган. Улар бизнинг ҳудуд тарихини ўрганишга қўшилган бебаҳо ҳиссадир. Санаб ўтилган мазкур асарларнинг зарур изоҳлар билан қайта нашр этилиши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг янги методологик ёндошув асосида тарихшунослик соҳасини Амир Темур ва Темурийлар даври тўғрисидаги янги фундаментал тадқиқотлар билан бойитишга имкон яратади.

3. Р. М. Булгаковнинг гувоҳлик беришича, 1909-1970 йилларда А. З. Валидий Тўғоннинг 447 та мақола ва китоблари чоп этилган. Улар ҳам бир неча хорижий (турк, инглиз, немис, ўзбек, рус ва бошқа.) тилларга таржима қилиниб, нашр этилган. Уларнинг энг сараларини ўзбек ва рус тилларида илмий изоҳлар билан чоп этиш мақсадга мувофиқ. Уларни ўрганиш Амир Темур ва Темурийлар даври тарихининг янги қирраларини кашф этишга хизмат қилади.

4. В. В. Бартольднинг ёзма манбаларни излаш ва уларни тадқиқ қилиш борасидаги археографик фаолияти етарли даражада ўрганилган эмас. Ваҳоланки, унинг ислом тарихи, ривожланиши ва тарқалишига оид асарларида жуда кўплаб долзарб масалалар кўтарилган.

5. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғоннинг бой мероси Марказий Осиё халқларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, айниқса Амир Темур ва Темурийлар давридаги маданият, илм-фан, меъморлик ва тасвирий соҳасидаги ютуқлар мисолида кўрсатишга хизмат қилиши шубҳасиз. В. В. Бартольд ва А. З. Валидий Тўғон асарлари, хусусан, «Тарихий тадқиқот методологияси» (Tarihite usul), «Умумтурк тарихига кириш» каби асарлар, Амир Темур ва Темурийлар тарихигагина эмас, балки Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганувчилар учун ҳам бой маълумотлар беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc 06.01.2018. Tar.56.01. ON AWARDING
THE SCIENTIFIC DEGREES UNDER THE INSTITUTE OF HISTORY OF
THE ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

THE TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES

MADRAIMOV ASKARY ABDUMAJIDOVICH

**THE ERA OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS IN THE SCIENTIFIC
HERITAGE OF V. V. BARTOLD AND A. Z. VALIDOV**

07.00.08- Historiography, source study and historical research methods

DISSERTATION

abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on historical sciences

Tashkent – 2019

The dissertation is registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on B2017.3.PhD/Tar216.

Doctoral dissertation has been prepared in the Tashkent State Institute of Oriental Studies.

The abstract of dissertation is posted in three (russian, uzbek, english (resume)) languages on the website of Scientific Council (www.uzhistory.uz) and on Informational-educational portal "ZiyoNET" (www.ziyo.net).

Scientific supervisor: **Doniyorov Alisher Khudayberdievich**
Doctor of historical sciences, professor

Official opponents: **Makhkamova Nodira Rakhmanovna**
Doctor of historical sciences, professor

Fayziev Khurshid Turgunovich
Candidate of historical sciences

Leading organization **State University of Bukhara**

The defence of dissertation will be held on «__» _____ 2020 at __ at the meeting of the Scientific council number DSc. 06.01.2018.Tar.56.01. on award the scientific degrees of Doctor of history (DSc) Doctor of Philosophy (PhD) at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (Adress:100060, 5, Shakhrisabs street, Tashkent. The Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. Floor 2. The Meeting Hall). Tel: (99871)233-54-70; 233-62-01; Fax: (99871) 233-39-91. e-mail: info@uzhistory.uz (The Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan).

The doctoral dissertation (PhD) is available at Fundamental library of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan (registered №__). (Adress: 100170, 13 Ziyolilar street, Tashkent.Tel: (99871) 262-74-58; fax: (99871) 262-34-41).

Abstract of dissertation is delivered on “__” _____ 2020
(register of certificate of delivery №__ of “__” _____ 2020)

A. A. Sagdullaev
Chairman of the Scientific council on
awarding the scientific degrees,
doctor of historical sciences, professor, academician

M. Kh. Payzieva
Scientific secretary of Scientific council on
awarding the scientific degrees, doctor of
philosophy (PhD) on Historical Sciences

G. A. Agzamova
Deputy Chairman of the Academic seminar under
the Scientific council
on awarding the scientific degrees,
doctor of historical sciences, professor

INTRODUCTION (abstract of (PhD)thesis)

The aim of the research work is to determine the place and role of the era of Amir Temur and Timurids in the scientific heritage of V. V. Bartold and A. Z. Validi Togan, as well as an assessment of the role and influence of their scientific heritage on our national historiography.

The object of the research work is the reflection of the key events of the era of Amir Temur and Timurids in the works of V. V. Barthold and A. Z. Validi Togan and determination of the difference in the interpretation of the socio-political life of the era of Amir Temur and Timurids in the works of the aforementioned scholars.

Scientific novelty of the research work consists of the following:

on the basis of a chronological, comparative and critical analysis of the scientific heritage of V. V. Bartold and A. Z. Validi Togan, the distinctive features of each scholar in the interpretation of historical events are shown;

it is found that despite the fact that both scientists worked at almost the same time, they developed their own methods of historiographic research as a result of exposure to conditions affecting their scientific worldview (various socio-ethnic conditions of their life, the perception of history as a tool for the development of human society);

it is determined that Acad. Bartold's main goal was increasing the authority of the scientific thought of the Russian Empire before Western science, and that the scholar focused his attention on the negative aspects of the era of Amir Temur and Timurids, and that in some cases he contradicted his own conclusions;

it was revealed that prof. A. Z. Validi Togan drew attention to the enlightenment of the small nations of the Russian Empire through the knowledge of the value of the historical past, and that when assessing historical events of the era of Amir Temur and Timurids, the scholar proceeded from the position of the general interests of historical science;

it is proved that during the years of independence of Uzbekistan, when studying the history of the era of Amir Temur and Timurids, the works of V. V. Bartold were more than the works of A. Z. Validi Togan, and this prevented full coverage of the history of this period, while the use of the works of A. Z. Validi Togan about history of the era of Amir Temur and Timurids could bring new historical facts to the science.

Implementation of the research results. On the base of the scientific findings and recommendations developed in the process of researching the scientific heritage of V. V. Bartold and A. Z. Validi Togan on the history of the era of Amir Temur and Timurids, the following results were obtained:

the research materials were used to create the documentary film “Ulugbek Khazinasidan” (From the treasury of Ulugbek) on the “Dunyo bo`ylab” TV channel (Act of implementation by the National Television and Radio Company of Uzbekistan, State Unitary Enterprise of the TV channel “Dunyo bo`ylab” dated October 26, 2018 under No. 08-14-516);

the scholarly recommendations were used in compiling the encyclopedia “Amir Temur” and “Amir Temur bibliography”, prepared by the State Museum of the

History of Timurids of the Academy of Sciences of Uzbekistan. (certificate of the International Public Fund of Amir Temur on August 2, 2019 No. 24-22);

Results were also used in the preparation of the manual of Iskhokov M. M and Fayziev Kh. T. “Markaziy Osiyo khaqlari tarixi tarixshunosligi va manbashunosligi” (Historiography and source study of the history of people of Central Asia) in the chapter “Amir Temur davri tarixshunosligi” (Historiography of the era of Amir Timur) (certificate of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan dated September 28, 2019 No. 89-03-3275).

The approbation of the research results. The results and findings of the study were tested at 19 conferences, including 7 international conferences and 12 republican scientific and practical conferences. On the basis of the research were published 31 scientific papers. Of these, 8 were published in scientific journals, recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan, including 8 articles in national and 2 articles in foreign journals.

The outline of the dissertation. The dissertation consists of an Introduction, three chapters, a conclusion and a list of used literature. The total amount of work is 149 pages.

СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
Мадраимова Аскарый Абдумажидовича
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I часть(I бўлим, Ipart)

1. Мадраимов А. А. Жизнь и научная деятельность выдающегося востоковеда XX века А. З. Валиди Тогана / Востоковедение. ТГИВ., – Ташкент, 2009. – № 1–2, – С. 59–66. (07.00.00; 10);
2. Мадраимов А. А. Культура эпохи Темуридов в «Мемуарах» З. В. Тогана / Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 2010, – № 1–2, – С. 113–118. (07.00.00; 7);
3. Мадраимов А. А. Источники по истории культуры эпохи Темуридов / ЎзМУ Хабарлари. Тошкент, 2010. – №2, – С.54–58. (07.00.00; 22);
4. Абдурахманов М., Мадраимов А. А. Амир Темур ва Темурийлар даври тасвирий санъат тарихидан / ЎзМУ Хабарлари. – Тошкент, 2012. – № 2, – Б.84–86. (07.00.00; 22);
5. Мадраимов А. А. Историческое наследие эпохи Темуридов в трудах выдающегося востоковеда А. З. Валидова / ЎзМУ Хабарлари. – Тошкент, 2013. Махсус сони, – С. 91–93. (07.00.00; 22);
6. Мадраимов А. А. Ахмад Заки Валидов о миниатюрах эпохи Темуридов / Маяк Востока. – Ташкент, 2017. – № 3, 4, – С. 92–95. (07.00.00; 9);
7. Мадраимов А. А. Герат в эпоху Амира Темура и Темуридов в трудах академика В. В. Бартольда / Маяк Востока, – Ташкент, 2018. – № 1, – С. 113–118. (07.00.00; 9).
8. Madraimov A. A. The era of Amir Temur and Temurids in the scientific heritage of A. Z. Validov / International Journal Development Research. Vol. 08, Issue, 10, pp. 23662-23666, October, 2018. <https://www.journalijdr.com/era-amir-temur-and-temurids-scientific-heritage-az-validov> (Scientific Journal Impact Factor: 6,84)
9. Madraimov A. A. Interpretation of historical processes of the epoch of Amir Temur and Temurids in the works of Acad Bartold / Canadian Center of Science and Education. Asian Social Science; Vol. 14, No. 12; 2018/ <http://www.ccsenet.org/journal/index.php/ass/article/view/0/37626> doi:10.5539/ ass. v14n12p67 (ResearchGate: RG Journal Impact: 0.22)
10. Doniyorov A. Kh., Madraimov A. A. Iran in the era of Amir Temur and Temurids in the works of academic V. V. Bartold / Востоковедение. Научный журнал Ташкентского государственного института востоковедения, – Ташкент, 2018. – №4, – С. 33–39. (07.00.00; 9).
11. Мадраимов А. А. Личность Амира Темура в трудах академика В. В. Бартольда / “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”. Республика IX илмий конференциясининг материаллари. ТДШИ. – Тошкент, 2017. – Б. 190–195;
12. Мадраимов А. А. А. З. Валидов-Тоган о военном походе Амира Тимура 1395 года / X Всероссийский съезда востоковедов «Россия и Восток: взаимодействие стран и народов». / Международного научный симпозиум «Ахмет-Заки Валиди Тогана и актуальные проблемы востоковедения». – Уфа, 2015. – С. 407–409;

II часть (II бўлим, II part)

1. Мадраимов А. А. Эпоха Темуридов в научном наследии А. З. Валидова / Маънавий-маданий қадриятлар: назарий-методологик масалалар. – Тошкент, 2009. – С. 112–115.
2. Мадраимов А. А. Письменные источники эпохи Амира Темура и Темуридов в «Мемуарах» востоковеда А.З.Валидова / Темурийлар тарихига оид манбалар. Республика илмий-амалий конференция. 2009 год 20 октября, книга – 5. – Ташкент, 2011. –С. 68–72;
3. Мадраимов А. А. Эпоха Темуридов в научном наследий Ахмад Заки Валидова / Ёш Шарқшуносларнинг Убайдулла Каримов номидаги VII илмий-амалий конференцияси тезислари. – Ташкент, 2009. – Б. 32–34;
4. Мадраимов А. А. Темурийлар даври илм-фанига оид маълумотлар Ахмад Заки Валидов асарларида / “Амир Темура ва Темурийлар дарида илм-фан ва маданият” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. (2011 йил 28 октябрь) 6 китоб. – Тошкент, 2013. – Б. 189–191;
5. Мадраимов А. А. Научная ценность труда «История тюрков и татар» А. З. Валидова / “Тарихий манбашунослик муаммолари” (Ўзбекистон Миллий университетининг 95 йиллигига бағишланган Илмий-амалий анжуман материаллари 25 апрель). – Тошкент, 2013. – Б.139–142;
6. Мадраимов А. А. Важный источник по истории эпохи Амира Темура и Темуридов / “Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари”. Республика 5-илмий конференциясининг материаллари. 2 қисм. – Тошкент, 2013. – Б. 221–225;
7. Мадраимов А. А. К истории изучения материально-духовного наследия эпохи Амира Темура и Темуридов / “Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 7 китоб. – Тошкент, 2015. – Б. 208–212;
8. Мадраимов А. А. Письмо Амира Темура к Османскому правителю Баязиду I от 1395 года / “Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши”. VIII Республика илмий-амалий конференция. 20-октябрь. – Тошкент, 2015. – Б. 252–260;
9. Мадраимов А. А. Становления А. З. Валидова ученым / “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”. Республика VIII илмий конференциясининг материаллари. 30-апрель. ТДШИ. – Тошкент, 2016. – Б. 204–209;
10. Мадраимов А. А. Личность Амира Темура в исследованиях В. В. Бартольда и А. З. Валидова / Научно-практическая конференция "Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти", посвящённая 681 годовщине со дня рождения Амира Темура.–Ташкент, 2017;
11. Мадраимов А. А. Научная ценность труда В. В. Бартольда «Улутбек и его время» / “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тақдидотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика 10-анъанавий илмий конференция Тошкент давлат шарқшунослик институти. – Тошкент, 2018. – Б. 165–169.
12. Абдурахманов М., Мадраимов А. А. Изучение научного наследия А. З. Валидова в Узбекистане / История и культура народов Евразии прошлое, настоящее, будущее. / Материалы международного научно-практической конференции, посвященной 120-летию со дня рождения видного ученого-тюрколога и

общественного деятеля Ахмет-Заки Валиди Тогана., Истамбул, 21 мая 2010. – Уфа: «Гилем», 2010. – С. 85–88;

13. Мадраимов А. А. Спор о происхождении рода Амира Тимура / История и культура народов Евразии прошлое, настоящее, будущее. / Материалы международного научно-практической конференции, посвященной 120-летию со дня рождения видного ученого-тюрколога и общественного деятеля Ахмет-Заки Валиди Тогана., Истамбул 21 мая 2010. – Уфа: «Гилем», 2010. – С. 165–169;

14. Мадраимов А. А. Исламская культура эпохи Тимуридов в трудах А. З. Валидова / Исламская цивилизация в Волго - Уральском регионе. / Сборник материалов 4 международного симпозиума. – Уфа, 2010. –С. 412–415;

15. Мадраимов А. А. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари А. З. Валидов тадқиқотларида / “Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни”. / Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 54–55;

16. Мадраимов А. А. Крупный Башкирский ученый А. З. Валиди об Алишере Навои / "Актуальные проблемы истории, этнологии, археологии и культуры Башкортостана". / Всероссийская научно-практическая конференция с международным участием. – Уфа, 2016. – С. 237–242;

17. Мадраимов А. А. Торгово-дипломатические отношения государства Амира Темура и Темуридов с Китаем / “Узбекистан - Китай: развитие историко-культурных, научных и экономических связей”. / Международная научно-практическая конференция. – Ташкент. 2017. – С. 349–352.

18. Мадраимов А. А. Становление научных взглядов В. В. Бартольда / Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тақдидотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика 11- анъанавий илмий конференция. Тошкент давлат шарқшунослик институти. – Тошкент. 2019. – С. 170 –178

19. Мадраимов А. А. Формирование и становление ученого историка и востоковеда А. З. Валидова / Тошкент давлат шарқшунослик институтида 2019 йил 26 май куни “Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик миқёсида илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2019. – С. 181 –185

Диссертация авторефератининг ўзбек тилидаги матни “O‘zbekiston tarixi”
журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилган.

Бичими 60×80 1/16, «Times New Roman» гарнитурасида ризография босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 3,5. Адади: 100.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кичик босмахонасида чоп этилди.
100047, Тошкент, академик Я. Ғуломов кўчаси, 70.